

# **ТАСВИРИЙ САНЬАТ ТАРИХИГА ОИД МАТЕРИАЛЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРА ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШ**

**Бобомуродов Зиёдилла Рустамович**

*Toшкент Архитектура-қурилиши институти*

*“Тасвирий санъат” кафедраси мудири, доцент*

**Аннотация:** Ушбу мақолада таълим жараёнига интегратив ёндашиш таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим шартларидан бири айнан интеграция таълимда турли фан соҳаларига оид материаллардан, шунингдек, тарихий ва замонавий материаллардан синтетик тарзда фойдаланиш имконини берилиши ва бу борада архитектура таълими йўналиши ҳам ўзига хос дидактик имкониятларга эга эканлиги хакида сўз боради.

**Калит сўзлар:** Архиректура, интеграция, меъмор, инсон тафаккури, композиция, ҳайкалтарошлиқ, тафаккур, синтетик, дидактик имкониятлар, рельеф, кулол, фреска, мозаика, классик,

Тасвирий санъат тарихидан маълумки, соҳанинг классик намуналарида, айниқса, машҳур рассомларнинг монументал асарларида меъморий мавзудаги композицияларга кенг ўрин берилган. Айниқса, Уйғониш даврининг машҳур рассомлари Леонардо да Винчи, Рафаэль Санти, Микеланжело Бунаротти каби рассомларнинг ижодида меъморий иншоотларнинг интеръерлари, шифтларига ишланган мураккаб композицион ечимга эга бўлган деворий суратлар тасвирий санъат асарларининг классик намунаси сифатида эътироф этилади.

Замонавий меъморликда, жумладан, Ўзбекистоннинг замонавий меъморлигида интеграциялашув жараёнлари кечайётган даврда меъморлик таълимига тарихий ва замонавий мазмундаги материалларни интеграциялаган ҳолда татбиқ этиш таълим мазмунини бойитиш, уни замонавий тенденцияларга йўналтириш учун қулай муҳит юзага келтиради.

Инсон тафаккурининг энг ибтидоий ижодий соҳаси, шубҳасиз, тасвирий санъат ҳисобланади. Чунки, нутқ, ёзув шаклланмасдан одамлар ўз фикрлари, орзу ўйларини айнан тасвирий воситаларда ифодалаганлар. Бу жараён замонавий шароитда ҳам давом этади, яъни тили чиқмаган бола расм чизиб, ўзича нималарнидир изхор қилмоқчи бўлади. Шунинг учун тасвирий санъат тарихига оид маълумотлардан ўқув материали сифатида фойдаланиш тавсия этилади. Бу борада архитектура таълими имкониятлари кенгроқ.

Тасвирий санъат тушунчаси турли давларда турлича маънода талқин этилган. Бироқ, у ҳамиша инсон тафаккурининг олий намунаси бўлган. Эътиборлиси, тасвирий санъат соҳасидаги ижодий фаолият меъморлик композициялари ечимларининг тасвирий-ифодавий талқини сифатида тақдим этилган. Шунинг учун ҳам замонавий архитектура таълимида тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарлари намуналаридан дидактик материал, кўргазмали қурол сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Айниқса, Юқори Уйғониш даврида инсон тафаккури билан тасвирий ижодиёт синоним сўзлар сифатида ҳам қўлланилган. Демак, тасвирий фаолият маҳсули инсон тафаккурининг бадиий-эстетик намунаси сифатида замонавий таълим жараёнига, жумладан, архитектура таълим мазмунига интеграциялашга арзигулик манба ҳисобланади.

Тасвирий санъатга оид тарихий материалларнинг таҳлилидан аён бўладики, тасвирий санъат турларидан бири ҳайкалтарошлиқ қадимий меъморликнинг муҳим элементи сифатида кенг қўлланилган. Замонавий меъморликда унинг элементлари, хусусан, рельефли ҳайкалтарошлиқ намуналаридан кенг фойдаланиш тенденцияси кузатилмоқда. Бундан хулоса шуки, архитектура таълимида, унинг интеъер ечимларида ҳам, экстеръер ечимларида ҳам ҳайкалтарошлиқ элементларига оида материалларни таълим мазмунига интеграциялаш мақсадга мувофиқ. Муҳими интеграцияга устувор тарзда қарамасдан, балки нисбатлар меъёрларининг оптималь вариантини сақлаган ҳолда таълим мазмунига татбиқ этиш талаб этилади.

Замонавий архитектура таълимида тасвирий санъат тарихига оид материаллардан турли шакл ва мазмунда, техникада фойдаланишга эътибор қаратиш замонавий архитектура таълимида тарихий материалларни интеграциялашнинг муҳим дидактик шартларидан биридир. Масалан, тасвирий санъатнинг барча турларининг асоси – чизиқлар ва уларнинг функцияларига оид материаллар архитектура таълимида алоҳида эътиборга молик. Зеро, тасвирий фаолиятнинг бошланғич нуқтаси – бу чизик ва шакллардан иборат бўлиб, айнан чизиқлардан фойдаланган ҳолда шакллар, яхлит композициялар ҳосил қилинади. Меъморлик таълимида эса бу алоҳида аҳамиятга эгалиги билан эътиборлидир.

Кези келганда таъкидлаб ўтиш ўринлики, оммавий тарзда қўлланиб келинган “расм” тушунчasi “тасвирий санъат” атамасига у қадар ҳам мос келмайди, яъни айнан расмга хос бўлган мазмун уни алоҳида санъат даражасига етказувчи омил уни инсон бадиий тафаккурига оидлигини англатади. Меъморлик таълимига оид интегратив ёндашувларда бу омилга ҳам эътибор қаратиш лозим бўлади. Расм деб аталувчи сўз умумий маъно англатиши билан ажралиб туради. Жумладан, тасвирий санъат асари ҳам, меъморлик лойиҳаларининг композициялари ҳам умумий маънода расм деб аталса-да, аслида у мазмун, композицион муаммаллик ва энг муҳими, унда инсон бадиий тафаккури маҳсули мавжудлиги учун ҳам интеллектуал мулк сифатида эътироф этилиши лозим. Демак, барча замоналарда яратилган тасвирий санъат асарлари, айниқса, меъморий мавзудаги классик намуналар, аввало, ўзининг бадиийлиги билан ажралиб туради.

Меъморликнинг турли атрибулари сифатида ҳайкалтарошлиқ намуналаридан ташқари амалий санъатнинг турли соҳалари намуналари ҳам қўлланилади. Масалан, кулолчилик намуналари, амалий санъатнинг наққошлиқ, ёғоч ва ганч ўймакорлиги намуналари Ўзбекистон меъморлиги тарихида ҳам, унинг замонавий амалиётида ҳам кўп қўлланилади. Шунинг учун ҳам архитектура таълимига нафақат тасвирий санъатга оид тарихий материалларни, балики амалий безак санъати, бадиий хунармандчилик намуналарини меъморий лойиҳалар композицияларини яратишга оид методик тавсияларни интеграциялаш орқали таълим мазмунини бойитиш мумкин.

Тасвирий санъат ва меъморлик тарихида фрескалар, мозаикага оид материаллар ҳам кўп учрайди. Шунинг учун ҳам замонавий архитектура таълимида моҳияти ва яратилиш техникаси ва технологиясига кўра тасвирий санъатга яқин бўлган бу соҳаларга оид замонавий ва тарихий материаллардан фойдаланишнинг мазмуни ва методикаси замонавий таълимнинг долзарб масалаларидан бири хисобланади.

Замонавий архитектура таълимида тасвирий санъат тарихига оид материаллардан фойдаланиш амалиёти қай даражада қўлланилаётганлиги ҳақидаги масала “Расм, рантасвир ва ҳайкалтарошлиқ” кафедрасида ўқитиладиган фан мисолида ҳам таълим жараёнинг татбиқ этиб келинмоқда. Жумладан, курслар кесимида босқичма-босқич мураккаблаштириб бориши принциплари асосида мустақиллик йиллари Ўзбекистон ва жаҳон меъморлигигида амал қилинаётган замонавий тенденциялар билан бир қаторда Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари – Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Қўқон, Шахрисабз каби тарихий шаҳарлар билан боғлиқ мустақил ишлар билан боғлиқ ўқув топшириклари, шунингдек, талабаларнинг конструктив-фазовий фантазияларини ривожлантиришга оид ўқув топшириклари кафедра йўналишидаги дарсларда қўлланилиб келинмоқда.

Хулоса сифатида эътироф этиш ўринлики, таълимнинг ҳар қандай тури ва соҳасида, жумладан архитектура таълимида ҳам интеграция ўқитишнинг муҳим дидактик принципларидан бири сифатида қўлланиб келинади. Шунинг учун бу принципни архитектура таълими жараёнинг замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда татбиқ этиш соҳанинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида эътироф этилиши мумкин. Бу борада тасвирий санъатга оид тарихий материаллар муҳим манба вазифасини ўтайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Futures for higher education: analysing trends. HIGHEREDUCATION:meeting thechallengesof the 21stcentury. [www.universitiesuk.ac.uk](http://www.universitiesuk.ac.uk) - ISBN: 978-1-84036-268-8 Universities UK January 2012- 128 б.
2. R.P. Pathak. Methodology of Educational Research. USA-2008 Atlantic

3. O'Neill, G. (2015). Curriculum Design in Higher Education: Theory to Practice, Dublin: UCD Teaching & Learning. ISBN 9781905254989 //www.ucd.ie - 189 6.
4. Albert Bandura, Richard Walters. Teenage aggression. Studying of influence of education and family relations. Publishing house: Eksmo-Press, Aprel-Press ISBN: 5-04-004214-0 Year of the edition:-2000
5. Karl Rogers, Jerome Freyberg. Freedom to study. ISBN: 5-89357- 099-5, 0-02-403121-
6. Year of the edition: 2002 6. Abraham Harold Maslow. Motivation and Personality. Year of the edition: 2011
7. Jan Kielven THE ARTFUL SCIENCE OF INSTRUCTIONAL INTEGRATION. Adapted from: BEYOND MONET. Barrie Bennett / Carol Rolheiser. 2001 p 14-15.
8. Prof. Dr. Thomas Deißinger, Dipl. Hdl. Silke Hellwig Structures and functions of Competency-based Education and Training (CBET): a comparative perspective. (University of Konstanz) ISBN 3-937235-49-3 second in December 2011 p 52.
9. Louis Cohen, Lawrence Manion and Keith Morrison. Research Methods in Education. Sixth edition. Simultaneously published in the USA and Canada. 2007. - p 242- 244.
10. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б.
11. Абдукудусов О. Касб-хунар педагогикаси. Дарслик. – Т.: ЎМКХТТКМО ва УҚТИ, 2014 -340 б.
12. Ишмуҳамедов Р, Абдуқодиров А, Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: “Истеъод”, 2008. – 180 б. 295
13. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Т.: “Ўқитувчи”, 2004. -102 б. 1
14. Кўйсинов О.А. ва б. “Касб таълими методикаси” фанидан мустақил таълимни ташкил этиш. – Т.: “Юсуф янги нашр”, 2012. – 60 б.
15. Кўйсинов О.А. ва б. “Меҳнат таълими методикаси, касб танлашга йўллаш” фанидан лаборатория машғулотлари. Т.: ТДПУ, 2013. – 168 б.
16. Муслимов Н. ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2013. – 128 б.
17. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: “Фан”, 2004. – 126 б.
18. Xasanova M. Z. EFFICIENCY OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE TRAINING OF FUTURE TEACHERS OF FINE ARTS. The way of Science International scientific journal, № 4 (74), 2020 The journal is founded in 2014 (March) ISSN 2311-2158 pp-67-69.
19. Bobomurodov Ziyodullo Rustamovich, Bekmirov Sherzod Choriyevich Berdiyev Nurmon Ochilovich, Akhmedov Mukhomod-Umar Bakhridinovich , Khasanova Munisa Ziyodulla kizi. PEDAGOGICAL CONDITIONS FOR THE FUTURE FINE ARTS TEACHERS' PREPARATION FOR THE LEADERSHIP OF THE SCHOOLCHILDREN ARTISTIC AND CREATIVE ACTIVITIES. European Journal of Molecular & Clinical Medicine ISSN 2515-8260 Volume 07, Issue 09, 2020.<https://ejmcm.com/>
20. Xasanova M. Z. INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN THE PREPARATION OF FUTURE TEACHERS OF FINE ARTS. International Journal of Academic Pedagogical Research (IJAPR) ISSN: 2643-9123. Vol. 5 Issue 1, January - 2021, Pages: 86-87.
21. Bobomurodov Ziyodullo Rustamovich, Akhmedov Mukhomod-Umar Bakhridinovich, Khasanova Munisa. UNDERSTANDING COMPOSITION THROUGH WORK ANALYSIS. ACADEMIA An International Multidisciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Peer Reviewed Journal) ISSN: 2249-7137 Vol. 11 Issue 1, January 2021.
22. Xasanova M. Z. КОНЦЕРТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ИННОВАЦИЙ В ВЫСШЕМ ХУДОЖЕСТВЕННОМ ОБРАЗОВАНИИ. Международная научно-практическая конференция «Современная наука. XXI век: научный, культурный, ИТ контекст» стр.270-275.

23. 23.XasanovaM. Z. Kompozitsiya tasviriy san'atning o'quv predmeti sifatida. Kompozitsiya sxemalari (uchburchak, doira, ellipsvah.k.) to'g'risida. "Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг илмий-амалий тадкиқотлари" мавзусидаги конференция материалларининг 24-сон 2-қисм.
24. 24.Akhmedov, M.-U., & Kholmatova, F. (2021). FORMATION OF CREATIVE PROCESSES IN STUDENTS THROUGH TEACHING COMPOSITION IN FINE ARTS. Збірник наукових праць ЛОГОС. <https://doi.org/10.36074/logos-09.04.2021.v2.03>
25. Ahmedov, M.-U., & Xolmatova, F. (2021). TEACHING STUDENTS TO DRAW ELEMENTS OF PATTERNS IN WOOD CARVING CIRCLES. Збірник наукових праць ЛОГОС. <https://doi.org/10.36074/logos-30.04.2021.v2.17>
26. Akhmedov Mukhomod-Umar Bakhriddinovich. (2022). THE IMPORTANCE OF FOLK APPLIED ART IN THE FORMATION OF YOUTH CREATIVE ACTIVITY. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS, 3(02), 142–156. <https://doi.org/10.37547/pedagogics-crjp-03-02-23>
27. Kholmatova Feruza Muhammad Umar Kizi. (2022). METHODOLOGY OF TEACHING STUDENTS TO ARTISTIC PERCEPTION OF PAINTING WORKS IN FINE ARTS CLASSES. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS, 3(02), 125–135. <https://doi.org/10.37547/pedagogics-crjp-03-02-21>
28. Jabbarov, R., & Rasulov, M. (2021). FURTHER FORMATION OF STUDENTS' CREATIVE ABILITIES BY DRAWING LANDSCAPES IN PAINTING. Збірник наукових праць ЛОГОС. <https://doi.org/10.36074/logos-30.04.2021.v2.09>
29. Jabbarov, R. (2019). Formation of Fine Art Skills by Teaching Students the Basics of Composition in Miniature Lessons. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 17(1), 285-288. doi:<http://dx.doi.org/10.52155/ijpsat.v17.1.1424>
30. Jabbarov, R. (2021). Sharq uyg'onish davri yetuk san'atkori buyuk miniatyurachi musavvir Kamoliddin Behzod ijodi ta'sirida yuzaga kelgan o'ziga xos yo'nalish. Жамият ва инновациялар, 2(5/S), 59–67. <https://doi.org/10.54274/2181-1415-vol2-iss5/S-pp59-67>